



САНОАТДА ЛОЙИХАЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Уктамов Фазлиддин Фахриддинович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги Бизнес ва
Тадбиркорлик Олий Мактабининг
2-курс магистри

Аннотация: Мақолада саноатда лойиҳаларни бошқаришнинг хусусиятларининг ривожланиш кўрсаткичлари баҳоланган. Шунингдек, саноат корхоналари инновацион бошқарувини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми таҳлил этилган, унинг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд муаммолари аниқланган. Узоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда илғор хориж тажрибасидан ижодий фойдаланиш имкониятларига оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: инновация, бошқарув, инновацион бошқарув, илмий-тадқиқот ва тажрибаконструкторлик ишланмалари (ИТТКИ), ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), юқори технологик маҳсулот, инновацион фаолият, инновацион ихтисослашув.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисдаги Мурожаатномада куйидаги фикрларни таъкидлаб ўтганлар “Бу йил республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта саноат корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди. Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга”.

Миллий иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш, барча тармоқларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш энг долзарб масаладир. Бугунги кунда шиддатли рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнида юқори самарадорликка эришиш, сифатли ва рақобатбардош товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида иқтисодий юксалишга интеллектуал капитал яъни инновацияларсиз эришиб бўлмайди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон республикаси президентининг Фармонининг 22-мақсадида: Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга оширишда қуйидаги вазифалар белгиланди:



- Саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодий тармоқлари янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини яқинлаштириш;
- Энергия ресурслари ва табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаган ҳолда эркинлаштириб, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш;
- Иқтисодий тармоқлари ва аҳолига нефть-газ маҳсулотларини узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;
- Мис саноати кластерини ташкил этиш орқали мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баравар кўпайтириш ҳамда 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун асос яратиш;
- Кимё ва газ-кимё соҳаларини ривожлантириш ва табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга етказиш орқали кимё саноатида 2 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқариш;
- Автомобиль саноатида кооперацияни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга, экспорт ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш. Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқаришини ягона саноат кластери усулида ташкил этиш;
- Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш;
- Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш;
- Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 3 бараварга кўпайтириш;
- Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш;
- Электротехника саноатида юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга ва экспортини 3 бараварга ошириш;
- Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2,8 бараварга кўпайтириш;
- Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш;
- Йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш;
- Саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлашни, экспорт салоҳиятини кўпайтиришни таъминловчи, янги иш жойларини ташкил қилувчи, янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган инновацион лойиҳаларга эътибор қаратилмоқда. Халқаро тажрибада саноатда лойиҳаларни бошқаришнинг хусусиятлари ва ташкил этиш бўйича турли жиҳатларни Д.Аржибуджи, Ж.Ховелс, Д.Белл, ПюДрукер, Б.Лундвал, Н.Мазур, Р.Нелсон, В.Иванов, Й.Шумпетер, Р.Фатхудинов, Н.Розенберг А.Поршнева, К.Пузня, А.Румянцева ва бошқа олимлар ишларида топиш мумкин.

Й.Шумпетер, Г.Менш, Дж.Форрестер саноатда лойиҳаларни бошқаришнинг хусусиятлари ишларида иқтисодий ўсишнинг инновацион таркиби концепциясини таъминловчи макроиқтисодий моделлар механизмлари ишлаб чиқилган .



Саноатда инновацион лойиҳаларни бошқариш ривожланиш қонуниятларини ўрганишга катта ҳисса қўшган хорижлик олимлар: Дж.Гелбрейт, П.Друкер, Т.Кун, Б.Санто, Д.Сахал, О.Тофлер, шунингдек, методологик ёндашувлар: Р.Нельсон, С.Уинтернинг лойиҳа инновацион ўзгаришлар, иқтисодий ривожланиш, ташкилот ва институтлар таҳлили эволюцион иқтисодий назарияси; М.Портернинг халқаро рақобат модели; Г.Менш, Р.Фостер, К.Фримен, К.Переснинг инновацион ва технологик парадигмалар назарияси ва К. Пэвитт, Ф.Шенэннинг илмий-техник ривожланиш тармоқ йўналишлари; Р.Вернон, Дж.Даннинг, К.Тьюгендхэт, Д.Джонстон, Дж.Стопфорднинг саноатда лойиҳаларни бошқариш ва инновацион технологияларни трансфер қилиш назариялари муҳим илмий манба ҳисобланади.

Ўзбекистонда саноатда инновация лойиҳалар фаолиятини ривожлантириш ва бошқарув тизимини ўрганиш бўйича С.С.Ғуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, А.Ш.Бекмуродов, Б.Б.Беркинов, Н.Қ.Йўлдошев, Б.К.Ғойибназаров, М.А.Маҳкамova, Р.И.Нуриμβетов, А.Ф.Расулов, А.М.Қодиров ва бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар. Саноатда лойиҳалани ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлашда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш тўғрисида фикр юритар эканмиз, авваламбор, инновация, инновацион фаолият тушунчалари моҳиятини ўрганиб олишимиз лозим.

Ўтган асрнинг ўрталарида тобора ривож топган илмий-техник революция, ишлаб чиқаришнинг технологик ўзгаришлари ўша даврнинг барча мулкдорлар, тадбиркорлар ҳамда иқтисодчилар диққат марказида бўлди. Бу каби ўзгаришлар илмий тилда —инновация атамаси билан ифодалана бошланди. Бугунги замонимизда —инновация тушунчаси бирон бир турдаги фаолиятни таркибий жиҳатдан янгилаш, тубдан ўзгартириш, хўжалик фаолияти субъектлари томонидан илмий-техник, ташкилий, бошқарув ва бошқа янгиликларнинг яратилиши, тарқатилиши ҳамда жорий этилишини аниқлаш.

Жаҳон амалиётида “инновация” атамаси бозорга тадбиқ этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки амалий фаолиятда фойдаланилаётган илғор технологик жараён ёки инсонлар турмуш шароитини яхшилаш мақсадида яратилган инновацион фаолиятнинг якуний натижаси сифатида белгиланади. У ҳаётга тадбиқ этилганидан кейин барча хусусиятларга эга бўлиб айирбошлаш натижасида жамият аъзоларига ижтимоий-иқтисодий ёки маънавий наф келтирувчи товарларга - инновацияларга айланади. Дунё олимларнинг фикрича мамлакат инновацион тараққиёти тўғри олиб борилган инновацион сиёсатга боғлиқ.

Ривожланиш йўлидан бораётган ҳар бир давлатнинг инновацион сиёсати бош мақсади миллий инновацион тизимнинг барча зарурий унсурлари шаклланиши ва ўзаро интеграллашган алоқада бўлишини таъминлашдан иборат. Инновациялар у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш учун инсон ақли эришган ютуқлардан (кашфиёт, ихтиро, илмий ва конструкторлик лойиҳалари ва ҳоказо) фойдаланиш тушунилади. Инновациялар технологик, иқтисодий, экологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий ва бошқа турларга ажралади.

Бугунги кунда янгиликлар, уларни амалга ошириш, самарали жорий этиш ва улардан оқилона фойдаланиш йўналишлари, бозорни эгаллаш, истеъмолчилар талабини қондиришга қаратилган стратегияларини ўрганувчи алоҳида фан вужудга



келди. Инновацияларнинг ҳам бир неча турларини ажратиш мумкин. Иқтисодиётда маҳсулот ва жараён инновациялари деган тушунчалар бўлиб, улар ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади. Инновацион маҳсулот деганда биз бозорга илк бор киритилган янгича маҳсулот намунасини тушунамиз.

Жараён инновацияси кўпроқ фойда олишга қаратилган янгича ишлаш услуби, ишлаб чиқариш, сотув жараёнларини оқилона ташкил этиш ва бошқаришни янада такомиллаштиришни ўз ичига олади. Инновацион жараёнларга инновацион маркетинг ва менежмент, рақобат, лидерлик стратегияларини мисол қилишимиз мумкин. Бундай инновацион жараёнлар йирик компаниялар рақобатбардошлиги ортишида марказий роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдусаттарова Х.М. “Инновация стратегияси” фанидан ўқув қўлланма. Т.: 2011 йил.
2. Кузык Б.Н., Яковец Ю.Б. Россия – 2050 Стратегия Инновационного развития. –М.: «Экономика», 2004, с. 22-28
3. Мильнер Б.З.. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. Учебник. – М.: 2010. – 624 стр.
4. Исмаилов. А.М. Реал секторда инвестицион ва инновацион фаолият фани бўйича ўқув-услубий мажмуа. 2015 йил
5. Расулов Н.М “Инновацион инфратузилма” фанидан тақдимот материаллари.- Т.: 2015 йил
6. Саидов М.Х. Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинги: Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2003 Б. 74.
7. Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник,– СПб.: Питер, 2004. – 400 стр.
8. Чалдаева Л.А. Финансово-экономические стимулы инновационной экономики// Экономический анализ: теория и практика.- 2009. Т. 7-8. №1